



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 15 март № 11 (188)

Сотувда нархи эркин

ЎЖЖАТЛАР МУКАММАЛ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Т.Ф.Раҳимов бошчилигида бўлиб ўтган Вазирликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилишида режадаги масалалар кўрилди. Алоқа вазирлиги билан соҳа касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг 1996 йил учун ўзаро тайёрланган шартнома лойиҳаси мазмуни тўғрисида Алоқа вазирлиги ўринбосари А.Жўрабоев ва алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Т.Назаржоновлар ахборот беришди. Ушбу ҳужжатни тузишдан асосий мақсад — маъмуриятлар билан алоқа корхоналарининг меҳнат жамоалари ўртасида меҳнат шaroитларини яхшилаш, алоқачиларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги

масалаларни ўзаро ҳал қилишдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Ҳужжатда меҳнатга ҳақ тўлаш, дам олиш ва иш вақтини тартибга солиш, компенсация, меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизоми, кўшимча имтиёзлар ҳамда уларни кафолат билан таъминлаш каби масалалар қамраб олинган бўлиб, томонлар бу борада ўзаро мажбуриятларни олишади.

Ушбу масала муҳокамаси жараёнида шартноманинг баъзи қондаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги аён бўлди. Шу боис ҳам ҳайъат бу ҳужжат лойиҳасини қайта ишлаб, сўнгра тасдиқлашга қарор қилди.

Алоқа вазирлигининг электралоқа бўлими бошлиғи М.Со-

диқова алоқа операторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ишлаб чиқиш борасида тайёрланаётган меъёрий ҳужжатлар тўғрисида маълумот берди. Бозор муносабатларига ўтиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шaroитларида алоқа тизимининг асосий фаолиятида ушбу ҳужжатни қабул қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳайъат ҳужжатларни тайёрлаш Концепциясини асосан маъқуллади. Вазирликнинг электралоқа бўлими ва «Ўзбектелеком» концернига ҳамкорликда ҳужжатлар устида ишлашни давом эттириш вазифаси топширилди. Шунингдек, ҳайъат йиғилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



Дилором ОРИПОВА Тошкент телефон-телеграф станциясида 23 йилдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Кейинги йилларда коммутиватор цехига ётақчилик қилаётир.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

* Янгиликлар * Воқеалар * Хабарлар

* Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий кўмита раиси И.Жўрабоев бошқарди.

* Президент Ислам Каримов АҚШнинг МДҲга аъзо мамлакатлардаги сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси, махсус топшириқлар бўйича алчи Жеймс Коллинз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида консуллик масалалари бўйича кўшма коммюнике имзоланди.

* Пойтахтдаги Марказий ҳарбий спорт клубида каратэ бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Спортчилар ўзларининг бу баҳсларини буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва яқинлашиб келаётган Наврўз айёмига бағишладилар.

* Грознийда Россия федерал кўшинлари билан дудаевчилар ўртасида қонли жанглар давом этмоқда.

* Душанбеда Тожикистон ва Афғонистон Президентлари Имомали Раҳмонов билан Бурҳониддин Раббоний ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

* Мисрда терроризмга қарши кураш бўйича кўпгина давлатлар раҳбарлари иштирокида олий даражадаги учрашув ўтказилди.

* 10 март кuni Истанбулдан олиб кочилган «Боинг-727» самолёти йўловчилар ва экипаж аъзолари билан Германиянинг Мюнхен шаҳрига кўнди. Самолётни олиб қочиш ташкилотчиларидан бири бўлган Туркия фуқароси жибсга олинди.

* Икки нафар россиялик денгизчи Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридаги портда катта миқдордаги олтинини ноқонуний равишда сотаётган вақтда ушланди.

* Кения тиббиётчилари СПИД касаллигини даволашда қўлландиган янги «Перл омега» номили дори ишлаб чиқди. СПИД касаллиги туфайли ўлим тўшагиде ётган 24 йилли Давид Нджороге исми йигит мазкур дори туфайли тазалиб кетган.

* Литва мустақиллик кuni тикланганлигини байрам қилди.

ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Алоқа соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишда илмий-педагогик ва техник имкониятлардан унумли фойдаланиш, корхоналарнинг тажриба, ишлаб чиқариш негизи асосида тайёрланган дастурни амалга ошириш ҳамда ўқув юрти билан ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш мақсадида Тошкент Электротехника алоқа институтида кафедралар билан Алоқа вазирлигига қарашли бирлашма ва корхоналар ўртасида тузилган шартномаларни тасдиқлаш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда вазирлик, концерн, бирлашма ва корхона раҳбарлари иштирок этдилар.

Неъмат ШОРАҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 март кuni «Би-Би-Си» Буюк Британия радиозаштиртириш корпорацияси жаҳон хизматининг бошқарувчи директори Сэм Янгер ва «Би-Би-Си мониторинг»

миллий аъналари, урф-одатларини ҳисобга олади ва бу алоҳида диққатга сазовордир. Шу боис у Ўзбекистон аҳолисининг хурмати қозонмоқда, деди жумладан, Президент Ислам Каримов.

Сэм Янгер Ўзбекистон Алоқа

нишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, дея ишонч билдирди англиялик меҳмон.

Қабул маросимида Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст иштирок этди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

директори Том Ридни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари жаҳонда юз миллион нафардан зиёд муҳлисга эга «Би-Би-Си» билан ҳамкорлик қилиш ҳар икки мамлакат халқлари учун манфаатли эканини таъкидлади. «Би-Би-Си» ахборотларининг тезкор ва сифатли эканидан ташқари, энг муҳими ўз аштирашларида ҳар бир халқнинг

вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда «Би-Би-Си»нинг ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги эшиттиришларини янги тўлқинларда узатиш йўлга қўйилаётгани, Тошкентда мазкур радиозаштиртириш корпорациясининг мониторинг хизмати бўлими очилганини қайд қилди. Бу борадаги ҳамкорликнинг кенг ривож топиши Ўзбекистон — Буюк Британия муносабатларининг янада мустаҳкамла-

Шу кuni Республика Алоқа вазирлигида «Би-Би-Си» жаҳон хизмати дастурларини Ўзбекистонда эшиттириш бўйича битим имзоланди. Мазкур ҳужжати Ўзбекистон Алоқа вазирлиги Тохир Раҳимов ва «Би-Би-Си» жаҳон хизмати бошқарувчи директори Сэм Янгер имзоледи.

(ЎЗА)

ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган республикаимизда халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос қонунлар қабул қилишда самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси I чақириқ IV сессиясида ҳам ана шундай ҳаётий қонунлар қабул қилинди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», «Наслчилик тўғрисида», «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида», «Давлат мукофотлари тўғрисида»

да», янги тахрирдаги «Давлат тили ҳақида» ва «Меҳнат қонунлари кодекси» каби қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, баъзи қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунларни кенг жамоатчиликка таништириш, уларни қонунга хурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва вазирлик, корхоналар ҳуқуқий хизматининг асосий вазифаларидан биридир.

Яқинда Алоқа вазирлиги ҳуқуқ бўлими (бошлиғи Маъруфжон Тожибоев) ташаббуси билан 1996 йил 1 апрелда кучга киритиладиган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодек-

си»ни ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерациясининг етакчи ходими Ҳамидулло Пиримкулов ҳамда Алоқа вазирлигига қарашли корхоналарнинг мутахассислари, бўлим бошлиқлари иштирок эттишди. Тадбирда «Меҳнат қонунлари кодекси»нинг ижтимоий аҳамияти, унинг моддалари (бўлим ва боллар) хусусида батафсил сўз юритилди. Айниқса, «Жамоа шартномаси», «Меҳнат шартномаси», «Аёллар меҳнати» деган боллар устида қизгин мунозаралар бўлди. Иштирокчилар томонидан берилган саволларга Х.Пиримкулов ва М.Тожибоевлар жавоб бердилар.

Маҳмадали ТУРҒУНОВ

Кўриқ Мирзачўли ўзлаштиришда гоят мураккаб, сермашақат йилларда алоқачилар беминнат хизматда бўлишди. У пайтда на АТС, на почта бор эди. Хатлар, шо-



шилинчномалар, пул жўнатмалари Жанубий Қозоғистон ҳудудидagi Етчисой тумани почта корхонаси орқали юбориларди. Дарвоқе, собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларидан чўлга келган одамлар учун оиласидан хат олиш қанчалик қувончли эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг.

Алоқачиларни ҳам кўриқ забткорлари деса бўлади. Чунки улар оғир шароитларда ишладилар, ертўла ва чодирларда яшадилар. Кейинроқ кўриқ кўксига Ержар посёлкаси қад кўтарди. Бу ерда кичкина алоқа бўлими очилди. Ушунда 3-4 киши катта ҳажмли юмушларни бажарар, чўлқуварлар узоғини яқин-

АЛОҚАЧИЛАР СУЛОЛАСИ

лаштиришга, юртини соғинганлар дилини хушнуд этишга шошилар эдилар.

Орадан бир неча йиллар ўтиб, замонавий «Почта уйи» фойдаланишга топширилди. Шаҳарлараро автомат телефон станцияси ишга туширилди. Бу чўлқуварлар учун тенги йўқ тўхта эди. Улар оилалари билан телефон орқали гаплашиш имкониятига эга бўлишди.

Инсоннинг ўзи танлаган хунари, касби-корига меҳр кўйиши, уни эъзозлаши, ундан маънавий куч-қувват олиши муҳимдир. Ўз меҳнатини қадрлаган киши эл хурматиға сазовор бўлади. Исоқо ака Тожимбетов чўлда алоқа хизмати пойдеворини қурганлардан биридир. Ушунда телефон алоқаси ускуналарини олиб келиш, ўрнатиш, тажрибали мутахассисларни жалб этиш, хўжалик марказлари ва қишлоқларга радио ва телефон симларини тортиш осон иш эмасди, албатта.

Исоқо ака шундай эслайди: узоқ шаҳарларга телефон қилган кишилар «Ержардан гапиряман!» десалар, у томондагилар ишонмай «Афсонангми кўй!» деяришлар. Кўриқда қисқа муддат ичида ҳаёт қайна-

ши ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган иш эди-да.

Мирзачўл тумани 1967 йил январь ойида ташкил этилди, февралдан эса алоқа боғламаси ишлай бошлади. Тошкент алоқа техникумини тамомилаб, чўлга йўлланма олган Исоқо Тожимбетов 28 йилдан буюн шу катта жамоага бош бўлиб келяпти. Исоқо ака хонадониди алоқачилар кўп. Унинг турмуш ўртоғи почтачи бўлиб ишлаб, нафақага чиққан. Катта ўғли Беркиноб Тошкент Электротехника алоқа институтини тугатиб Ангрена, қизи Қоракўз эса Етчисой шаҳрида алоқа соҳасида ишламоқда, яна бир қизи Бўтақўз Тошкент алоқа коллежиди сиртдан ўқийди. Келини Майизгул ҳам алоқачи. Қаранг, Исоқо ака оиласидагиларнинг барчалари беҳаловат, серташвиш алоқачилик касбини танлаганлар. Алоқачилар сулоласи теран илдиз отган.

Донолар шогирдсиз устозни мевасиз дарахтга қийслайдилар.

Исоқо аканинг шогирдлари кўп. Валентина Миронова, Алиқўз Ҳайтжинов, Гулзия Қусаева алоқа бўлимларини бошқаришяпти.

Гагарин почта боғламаси

ўзига қарашли телефон нуқталардан ташқари Форш туманига қарашли «Туркистон», «Арсасой», Омонгелди ва Еримбетов номли хўжалиқларга ҳам хизмат қилади. Бу хўжалиқлар қоракўлчиликка ихтисослашган бўлиб, Қизилқум ичкарисида жойлашган. Уларга алоқа хизмати кўрсатишнинг ўзига хос ташвишлари бор. Ушбу хўжалиқларни бир марта айланиб чиқиш учун камиди 200-250 километр йўл юриш керак бўлади. Почта бўлимининг ўз машинаси йўқ. Автокорхонадан юк машинаси олсангиз, бир кунга 35-40 минг сўм, ҳатто ундан ҳам кўп пул тўлашга тўғри келади. Аммо шунга қарамай Қизилқум яйловларидаги аҳолига алоқа хизмати кўрсатишмоқда.

Қизилқум яйлови аҳолисига Форш тумани алоқачилари хизмат қилса бўлмайди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Форш тумани маркази бу хўжалиқлардан 150-200 километр узоқликда жойлашган бўлиб, уларга Гагарин шаҳри орқали ўтилади. Шу боис алоқа хизмати гагаринлик алоқачиларга юклатилган. Жиззахдан газета ва журналлар, хат-хабарлар келтириш учун ҳам,

хўжалиқларга тарқатиш учун ҳам машина зарур.

Хуллас, автоулов масаласи ечимини кутиб турган энг ўткир муаммодир...

Айниқса, чўл шароитида нақд пул масаласи мураккаблиб борапти.

Кўндибой ота Оқбердиев шундай ҳикоя қилади:

«Турманистонга таъзияга боришим керак бўлиб қолди. Тўғри почта бошлиғига бори, вазиятни баён қилдим. У менга кўмаклашагини айтиб, чиқиб кетди. Тез орада қайтиб келди ва бирданига икки ойлик нафақа пулимини санаб берди. Кейин суриштирсам, бировлардан қарз олибди.

Ҳа, Исоқонинг бу яхшичилигини бир умрга унутмайман».

Сабр—шодлик қалити. Бу қалитсиз мақсад эшигини очиб мушқул. Яхши сўз бир гавҳарки, ҳеч вақт хиралашмайди. Мирзачўллик алоқачилар ҳаммаша яхши сўзга, хўшмуомалаликка амал қилишадди. Улар жуда иноқ, тотув ва аҳил яшашади. Исоқо ака ўз ходимларида ана шу хислатларни қарор топтиришга интилиб келмоқда.

Исоқо акага ўхшаш савобли иш фидойилари омон бўлсин!

Равшан МАДИЕРОВА,
Жиззах вилояти

Янгича шароитда алоқа соҳасининг ҳам янги турлари жорий этилмоқда. Уяли телефон тармоғи шундай турларга килади. Бундан тўрт йил илгари Алоқа вазирлиғи МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Американинг «Интернейшнл Коммуникейшн групп» фирмаси билан ҳамкорликда уяли радиотелефон қўшма корхонаси ташкил этишга келишиб олинганди. Шундан сўнг «Ўздунробита» корхонаси ташкил этилди. Мана орадан тўрт йил вақт ўтди. Шу қисқа фурсат ичида корхона кўпгина ишларни амалга оширди. Корхона миқозларга қулайлик яратиш мақсадида янги техника ва технологияни амалиётга жорий эта бориб, республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

Самарқанд, Урганч, Қарши ва Бўхоро шаҳрида уяли алоқанинг янги станциялари қурилди. «Ўздунробита» қўшма кор-

«ЎЗДУНРОБИТА»НИНГ УЯЛИ ТЕЛЕФОНЛАРИ

хонаси алоқа соҳасини ривожлантириш учун кўп маблағ талаб этадиган ишларга иложи борица ёрдам бериб келмоқда. Корхона дастлаб ташкил этилганда абонентлар «Нокия» фирмасининг NMT-450 параметрли типдаги аппаратларидан фойдаланишарди.

«Ўздунробита» мутахассислари уяли алоқанинг янада яхшироқ АМPS турига ўтишни таклиф этдилар. Республикамида бу янги типдаги уяли алоқа техникаси қисқа муддатда ўзлаштирилди. Натижада республикамизнинг бешта шаҳрида бир хилдаги АМPS фаолият кўрсатяпти. Бунинг учун Тошкент ва Урганчдаги станция жиҳозларини тўла алмаштиришга тўғри келди. Самарқанд, Қарши, Бўхоро шаҳарларида эса замонавий АМPS тури жорий этилди. Шундай қилиб, республикада уяли алоқа тармоғи йўлга қўйилди. «Ўздунробита» телефон аппаратини тушунувчи миқоз уяли алоқа рақами билан бу бешта шаҳар билан бемалол сўзлашиши мумкин. Агар кимдир бу шаҳарларда меҳмон ёки хизмат сафариди бўлса, унда чўнтагидан телефон аппаратини олиб ўша шаҳар билан сўзлаша олади. Ушбу телефонга эга миқозлар нафақат ўз республикамиз ҳудудида, балки Қозоғистон, Қирғизистонга ҳам бемалол телефон қила олади. Қўшма корхона бундай муаммоларни ҳал қилиш учун озмунча маблағ сарфламади.

«Ўздунробита» ва унинг америкалик ҳамкорлари ҳозирча ишлаб топилган маблағларни фақат тармоқни ривожлантиришга сарфлашмоқда. Улар фойдани Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетишмаяпти, ҳеч кимдан кредит, қарз ҳам сўрашмаяпти. Вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ёрдамига таянишмоқда.

«Ўздунробита» мунтазам равишда баҳолар ва тарифларни камайитириб бормоқда. Ўтган йилнинг охирида эфирдан фойдаланишни 35 фоизга камайитиришди. Кечқурунги сўзлашувларни имтиёзли қилиб белгилашди. Илгарги «Нокия» фирмасининг NMT-450 типдаги аппаратлари текинга «Моторола» фирмасининг янги турдаги АМPS аппаратларига алмаштирилди. Республикамиз пойтахти ва бошқа шаҳарларда ишбилармон кишиларни иш жойларида, автомашиналарида ва кўчаларда ўзининг радиотелефониди сўзлашаётганини учратиш мумкин. Мўъжазгина телефон билан бир зумда кўпгина муаммоларни ҳал қилса бўлади.

Анатолий КУДИНОВ

Давлат алоқа назорати жамоаси Андижон вилояти давлат алоқа назоратининг бошлиғи Р. С. Тавақаловга отаси СОТВОЛДИ аканинг вафот этганлиғи муносабати билан чуқур таъзия иҳзор қилади.



Бекобод шаҳар электралоқа боғламаси 2-АТСининг илгор электромеханиги Тания Кучкина ҳамда катта муҳандис Валерий Кимлар иш устида.

ХОЛИС ИСТАК

Иқтисодий ислохотлар даврида юзга келаяётган муаммолар ичида қарздор абонентлардан пул ундириш масаласи муҳимдир. Базви бир корхона, ташкилот, жамоа хўжалиқларининг қарзлари жуда катта миқдорни ташкил этмоқда.

Шуни эътиборга олиб, абонентлик тўловлари тўғрисида ўз таклифларини билдирмоқчиман. Сўмининг харид қувватига монанд телефон абонентлик тўлови ҳам ўзгариб турибди. Шунинг учун абонент йилнинг бошида телефон ҳақини йиллик қилиб тўласа, абонентлик тўлови ошган тақдирда ҳам

абонент ва алоқа корхонаси зарар кўрмайди. Олинган маблағ вақтида сарф қилинса, алоқа корхонаси фақат фойда қилади.

Хўш, ҳозирги қоидада-чи? Олдин абонентлик тўлови 12 сўм эди, кейин 30 сўм, ҳозир эса 60 сўм. Масалан, бир абонент йилнинг бошидан қарзини тўламаган. Абонентдан қийинчилик билан қарз ундирилганда, у 12 сўм бўлган ойлар учун 12 сўм, 30 сўм бўлган ойлар учун 30 сўм тўлайди. Кечикиб тўланган 12 сўмнинг 30 сўм қадрига тенг эмаслиғи ҳаммага аён. Бундан албатта алоқа ташкилоти зарар кўради.

Шундай таклиф қирит-

моқчиман: олдинги нарх бўйича қарздор абонентлардан абонентлик тўловини янги нарх ҳисобиди ундирилишини жорий этиш керак. Шундай қилинганда қарздорлар сони кескин камайган бўларди.

Агар Алоқа вазирлиғи ушбу таклифимни кўриб чиқиб, муҳомадан ўтказиб, тўлов қоидаларига киритса, алоқа ходимларига анча енгиллик яратилади, бу эса алоқа хизматининг янада такомиллашиб боришига хизмат қилади.

Маҳаммадали МИРЗАЖОНОВ,
Наманган вилояти, Чортоқ электралоқа боғламаси АТС хизматчиси

• АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА

Тура МИРЗО

АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШХОН

МУҚАДДИМА

Саҳнада жанг манзаралари
ИДИГУ ЎЗБЕК

Ўрисхон ўрдуси маҳв бўлди тамом,
Евни ўтдай ўрдик, тирик қолғони
Қуюндай ёшрунди бўталар аро.
Балки сичқон билан ит тилашишиб
Сўғиш бошлагонлар кавак-кавакда.
САҲНА АЙЛАНДИ. ОҚ ЎРДАДАГИ ХОН САРОЙИ. АМИР ТЕМУР ВА ТЎХТАМИШ

ТЎХТАМИШ

Отадан айрилиб, шахдим қайрилиб,
Эгасиз ит каби дала-даштларда
Улоқиб кўп юрдим. Мадад юкиниб
Азиз Самарқандга борганим замон
Иссиқ кучоғингиз катта очдингиз.
Сиз тиклаб кўйдингиз етим бошимни.
Пайхон бўлган орзум чечакларига
Меҳр кўргуздингиз қуёш бамисол.
Сиз тирик мурдага жон киргиздингиз
Тоғ қадар юксалди ер бўлган ғурур.
Номсиз етимчага нон эди далда,
От бердингиз менга, Ўрду эдингиз
Мен уч бор энгилдим Дашти Қипчоқда
Уч бора тупроққа қоришди ўчим.
Қамишдай йиқилдим Сай-

хун бўйида
Елкамдан тутамлаб Сизнинг кўлингиз
Тиклаб кўйди яна ярим ўликни.
Жаҳонда бормикин бирорта ота,
Ўз ўғлига шунча рағбат кўрсатсин.
Ўғлингиздай кўриб Сиз, Бегонани
Белга боғлагингиз беклик белбоғин.
Буюк соҳибқирон! Сиздан қарзим мўл,
Елкамни эзмокда бу шарафли юк.
Сизни бошга олиб олам айлансам
Қарзим адо бўлмас, Сизнинг ҳақингиз
Шудорга сепилган бугдойдай ортар.
Изин беринг, Сизни ота деб атай.
Зотан отасиз-ку Туронзаминга.
Энди Ота бўлинг Оқ Ўрдага ҳам.
Менинг қиблагохим! Энди намозни
Сизнинг пойингизга қараб ўқийман.

АМИР ТЕМУР

Ло илоху иллолох. Оллох яқдади.
Инсондай авлиё чиқмоғи мумкин.
Лекин тенг келмагай Оллохга ҳеч зот,
Намоз ўқимагин мен ёққа қараб,
Қибла бир, Каъбадан бошқа Каъба йўқ.

ТЎХТАМИШ

Сизга вассал бўлай ўлгунимча то.

АМИР ТЕМУР

Менга вассал бўлма, итти-фокдош бўл.

Токи адолатни рўйи замин-га
Маҳкам ерлаштирмақ азалий орзум.

ТЎХТАМИШ

Ҳар йил Самарқандга хирож тўлаймен.

АМИР ТЕМУР

Хирожни қўй, юртга ривож берсанг, бас
Лозим топсанг, баъзан мактуба юбор.
Токи хабар топай соғлиқларингдан
Кўп хушёр бўл яна, тахт сирпанчиқдир,
Не-не жаҳонгирни учирай мудом.
Халққа зулм қилма, халқни тўқ бўлса,
Тахти мустаҳкамдир хоқоннинг абад.

ТЎХТАМИШ

Изн беринг, Сизни, Ота деб атай.

АМИР ТЕМУР

(уни кучоқлайди)
Ўғлим.

ТЎХТАМИШ

Ота-бола бўлдиқ абадий.

(Амир Темура Тўхтамишга тож кийдиради. Тўхтамишхонни оқ кигизга солиб, уч марта айлантиришади).

АМИР ТЕМУР

Ўғлим, бошингга тож кўп ярашибдур,
Қуёшдир заминнинг бошидаги тож.
Хоқонлар ичра у энг адолат-

ли,
Бир хил нур сочади бою факирга.

Ҳақиқатни тутган офтобга бензар,
Юртга кун бўлмоқлик муборак бўлсин.

Ҳар бир юрт оламнинг бир хонадони,
Адолат оғочи устун бўлса гар.

Бу уй маҳшар қадар бузилмай турар.
Хоқон устун мисол юртни кўтарар,
Элга устун бўлмоқ муборак бўлсин.

Заифларни буккан зўравонлар бор,
Шоҳ кўпроқ зарурдир фуқаро учун.

Одил бўл, дадил бўл, ай, Тўхтамишхон,
Диёрга оталик муборак бўлсин.

ТЎХТАМИШХОН

(Амир Темирнинг қошида тиз чўкиб)
Азиз соҳибқирон. Олампа-ноҳим.
Олтин йўриғингиз бошимга жиға.
Мен ҳақдан айтмасмен, бу мўмин халқни
Бошимга кўтариб хонлик қиламен.
Кўз ёшин артамен ҳар бир йўқсилни,
Адолатни соқчи этаман юртга.
«Рости русти» деган олтин каломни
Ҳар лаҳза эслаймен — Сизни эсласам.
Отамсиз, отамен мен Оқ Ўрдага
Сизга содиқ бўлмоқ, сиз учун ўлмоқ,
Мард кул бўлмоқликка, ҚА-САМ ИЧАМЕН.

ХАНДАЛАР

— Сиз италянча гапиршни биласизми?
— Биламан, аммо нима деб гапирётганимни ўзим тушунмайман.

— Кўш хотинликка қандай жазо бор?
— Кўш қайнона-да!

Йигит тасодифан танишиб қолган хонимдан сўради:

— Кечирасиз, ёшингиз нечада?

— Аёл киши неча ёшдагидек кўринса — ўшанча ёшда бўлади.

— Бўлиши мумкин эмас... Одам бунчалик узок яшамайди.

Бир одам кафега кириб буюртма берди:

— Иккита юз граммдан, алоҳида-алоҳида қўйинг.

Уриштириб ичгач, чиқиб кетди. Бу ҳол бир неча кун тақорланди.

Сотувчи ахирги чидолмай сўради:

— Нега сиз юз-юздан алоҳида буюртиб, навбати билан ичяпсиз?

— Дўстингиз касалхонада ётибди, мен хаёлан у билан бирга ичяпман.

Бир кунги ҳалиги одам хомуш келиб, фақат юз грамм буюрди.

— Наҳотки дўстингиз ўлган бўлса? — деб сўради сотувчи.

— Йўқ, мен ичишни ташладим.

— Бемор! Сизни зудлик билан операция қилиш даркор.

— Бундан кўра ўлганим яхши!

— Бери иккинчисига халақит бермайди.

— Эшмат мусаллас қўйилган бочкага кулаб тушибди.

— Боёкиш нафас ололмай қолгандир?

— Э қаёқда, икки марта газак кийдириб ташқарига чиқибди.

* *Ажаб дуня*

ҲАШАРОТ НОМИДАГИ РАҚС

Қадимда Европа халқлари тарантул (бий) номли заҳарли ўргимчак чаққанида танани жуда тез ҳаракатлантириш орқалигина ўлиш хавфидан қутулиб қолиш мумкин деб ўйлаганлар. Бу ғайритабиий фикр эса жуда тез ҳаракатни талаб қилувчи италянча рақсининг тарантелла деб номланишига сабаб бўлган.

СОҚЧИ ИЛОН

Швециядаги савдо залларидан бирида икки метрлик бўлма илон соқчилик қилади. Савдодан тушган пулларни тунда ўғрилар икки марта ўғирлаб кетгандан кейин зал эгаси бу илонни ҳайвонот боғидан ижарага олиб келган. Бўлма илон кундуз кунни сандиқда ухлайди, тунда залга қўйиб юборилади.



Варрак — баҳордан берар дарак.

МУЧАЛ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Қадимги туркий шоҳлардан бири ўзидан бир неча йил олдин ўтган жанг тарихини ўрганмоқчи бўлади. Бироқ у жангнинг қачон бўлганини аниқлай олмайди. Шундан сўнг Шоҳ халқни йиғиб, ушбу масала ҳақида маслаҳатлашади.

— Агар биз шу жанг тарихини аниқлай олмасак, кейинги авлодлар ҳам шундай хатога йўл қўйишади. Шунинг учун ўн икки ойга, шунингдек, осмондаги ўн икки чўғ юлдузга асос қилиб, ўн икки йилга ном қўйишимиз лозим. Токи, биз қўйган номлар авлод-аждоғларимизга мангу ёдгорлик бўлиб қолсин, — дебди шоҳ.

Шоҳ овга чиқиб, ёввойи ҳайвонларни Или дарёсига қараб қувишни буюрибди. Одамлар овда ҳайвонларни дарёдаги сувга қараб ҳайдашибди. Шунда сувдан ўн икки жониворгина сузиб ўтишибди. Ўн икки йилни сувдан сузиб ўтган ўн икки ҳайвоннинг номи билан аташибди. Сувдан биринчи бўлиб Сичқон ўтган экан. Шунинг учун йил боши сичқон номи билан аталиб, унга «йил» сўзи қўшилиб «Сичқон йили» деб юритишибди. Ундан кейин бирин-кетин навбати билан сувдан ўтган жониворларнинг ҳар бири йилнинг бир номига мушарраф бўлишган экан.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Миршўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ

ОТАУЛИ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тулқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарриратта келган кўлазмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муҳаллифларга қайтарилмайди. Мақолялардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар имзоасидадир.
Рўзхатта олинган №000011. Буюртма №Г-0165. 13017 йўсқалда чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШИРИЁТ-МАТБАА КИНОСЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

